ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ

№ 11 (84)
2019

ISSN 2181-6816
www.ztm.uz

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ОБЩЕСТВЕННЫЙ ЖУРНАЛ

СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ АМАЛДА
  НАЦИОНАЛЬНАЯ ПРОГРАММА ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В ДЕЙСТВИИ
- ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ
  ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ КОНЦЕПЦИЙ ОБРАЗОВАНИЯ И ЭТИКИ ВОСПИТАНИЯ
- ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯЛАР ТАРИХИ
  ИСТОРИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ И ВОСПИТАТЕЛЬНЫХ КОНЦЕПЦИЙ
- КАСБИЙ ТАЪЛИМ
  ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ
  ДИСТАНЦИОННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- КАСБГА ЙЎЛЛАШ
  ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ
- ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ
  ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ
- УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ
  НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ☑ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
  ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ
- ОИЛА ВА МАКТАБ
  СЕМЬЯ И ШКОЛА
- МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
  ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – жамиятни модернизациялаш, инновацион иқтисодиётни тараққиёт ва фуқаролик жамиятини барқарор ривожлантиришнинг асоси

Национальная программа по подготовке кадров Республики Узбекистан – основа модернизации, создания инновационной экономики и поступательного развития гражданского общества

Замонавий таълим — Современное образование

Журнал Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти нашри.

Журнал Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда нашр этилмоқда.

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№11 (84), 2019

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ / НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

3 **Турсунов Қ.Ш., Исмоилов Д.М.** Таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш омиллари

МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ / ПОВЫШЕНИЕ КВАЛИФИКАЦИИ И ПЕРЕПОДГОТОВКА

8 **Ахмедова Ш.Б.** Малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантиришнинг андрагогик-акмеологик хусусиятлари

ОЛИЙ ТАЪЛИМ / ВЫСШЕЕ ОБРАЗОВАНИЕ

13 **Рахимова Ш.Б.** Нофилологик таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитиш сифатини баҳолашнинг илмий-методологик таҳлили

ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ / ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ

20 **Холйигитова Н.Х.** Ижтимоий психологияда ўқув фаолияти мотивациясининг ривожланиш омиллари (илмий адабиётлар таҳлили)

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ / ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ

26 **Карамян М.Х.** Специфика применения метода кейс-стади в системе высшего психологического образования

34 **Қодиров М.С.** Божхона хизмати ходимлари касбий фаолиятида профайлинг технологиясини ривожлантириш масалалари

42 **Салиева З.И.** Гапириш кўникмаларини коммуникатив ёндашув асосида ўргатишнинг аҳамияти

МАКТАБ ТАЪЛИМИ / ШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

49 **Усмонова А.Т.** Замонавий мактабни шакллантиришда имижнинг аҳамияти

56 **Ортиқов А.У.** Дарсликнинг асосий функциялари: таснифи ва тавсифий жиҳатлари

63 **МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ**

«Замонавий таълим» («Современное образование») журнали:

• Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 30 мартдаги 214/2-сон қарори билан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган (13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ва 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича);

• **РИНЦ** маълумотлар базасига киритилган. – https://elibrary.ru/title_about.asp?id=57617

• **CyberLeninka** илмий электрон кутубхона базасига киритилган. – https://cyberleninka.ru/journal/n/ekonomika-i-finansy-uzbekistan

Журнал **«Замонавий таълим» («Современное образование»)**:

• постановлением Президиума ВАК Республики Узбекистан от 30 марта 2015 года № 214/2 включён в перечень научных изданий, рекомендованных для публикации основных научных результатов докторских диссертаций (по 13.00.00 – ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ и 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ);

• входит в базу данных **РИНЦ**. – https://elibrary.ru/title_about.asp?id=57617

• входит в базу научной электронной библиотеки **CyberLeninka**. – https://cyberleninka.ru/journal/n/ekonomika-i-finansy-uzbekistan

Замонавий таълим — Современное образование

№ 11(84), 2019

Муассис: «Инновацион технологиялар маркази»

Таҳририят Кенгашининг раиси — **Шеъумаров Ғайрат Бехромович** – психология фанлари доктори, профессор

Таҳририят Кенгашининг Ҳамкор аъзолари — **Коробейников Игорь Александрович** – психология фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)
Лубовский Дмитрий Владимирович – психология фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)
Попова Елена Фёдоровна – «Вестник современной науки» журнали Бош муҳаррири (Россия Федерацияси)
Марк Зильберман – «Intellectual Archive» журнали Бош муҳаррири (Канада, Торонто)

Таҳририят Кенгаши аъзолари — **Даминов Бахтиёр Худойбердиевич** – филология фанлари номзоди
Иноятов Улуғбек Ильясович – педагогика фанлари доктори, профессор
Ирисқулов Муҳаммадаюс Турсунович – филология фанлари номзоди, доцент
Исломов Зокиржон Маҳмудович – филология фанлари доктори, профессор
Каримов Бахтиёр Раҳмонович – фалсафа фанлари доктори, профессор
Мусурмонова Ойнура Мусурмоновна – педагогика фанлари доктори, профессор
Пахрутдинов Шукритдин Ильясович – сиёсий фанлар доктори, профессор
Самаров Рустамжон Садриддинович – фалсафа фанлари доктори, профессор
Сафаев Нуриддин Сализович – психология фанлари доктори, профессор
Раҳимов Ғаниюр Худойқулович – филология фанлари номзоди, доцент
Чориев Рузимурод Кунгратович – педагогика фанлари номзоди, доцент
Қурбонов Шавкат Эргашевич – педагогика фанлари доктори, профессор

Бош муҳаррир — **Абдиев Баходир Казимович** – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Таҳририят аъзолари:

Бош муҳаррир ўринбосари — **Қодиров Умарали Дўстқобилович** – психология фанлари номзоди, доцент

Муаллифлар билан ишлаш бўйича муҳаррир — **Джуманова Дилара Масхутовна**

Масъул котиб — **Раҳимқариев Шуҳрат**

Мусаҳҳиҳ — **Ҳайдаров Миробуб Таджиевич** – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Оригинал-макет, матбаа дизайни, сканерлаш ишлари ва чоп этишга тайёрловчи «Cairn Group» ЖКда бажарилди.

Таҳририят манзили:
100174, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, Миллий Университет Ўзбекистон Миллий университети, Иқтисодиёт факультети биноси, 2-қават, 207- хона. Тел: (99895) 199-80-67; e-mail: zamonaviytalim@inbox.uz

Журнал Тошкент матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 28 августда 05-032 рақами билан рўйхатга олинган

Журналнинг «Matbuot tarqatuvchi» АК обуна каталогидаги индекси - 7945

Формат 60x84 1/8. 9 босма табоқ. Чоп этишга 11.01.2020 йилда рухсат этилди. Офсет усулида босилди. 007-сонли буюртма. Адади 120 нусха. «Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди. Ўзбекистон, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳкўчаси, 44. Журнал ойда бир марта чиқади.

Авторлик ҳуқуқлари ҳимояда.

«Замонавий таълим» журналидан кўчириб босиш фақат таҳририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади. Таҳририят фикри муаллифлар фикрига мос келмаслиги мумкин.

№ 11(84), 2019

Учредитель: «Центр инновационных технологий»

Председатель Редакционного Совета — **Шеъумаров Гайрат Бахрамович** – доктор психологических наук, профессор

Международные Члены Редакционного совета — **Коробейников Игорь Александрович** – доктор психологических наук, профессор (Российская Федерация)
Лубовский Дмитрий Владимирович – доктор психологических наук, профессор (Российская Федерация)
Попова Елена Фёдоровна – Главный редактор журнала «Вестник современной науки» (Российская Федерация)
Марк Зильберман – Главный редактор журнала «Intellectual Archive» (Канада, Торонто)

Редакционный Совет — **Даминов Бахтиёр Худойбердиевич** – кандидат филологических наук
Иноятов Улуғбек Ильясович – доктор педагогических наук, профессор
Ирисқулов Муҳаммадаюс Турсунович – кандидат филологических наук, доцент
Исломов Зокиржон Маҳмудович – доктор филологических наук, профессор
Каримов Бахтиёр Раҳмонович – доктор философских наук, профессор
Мусурмонова Ойнура Мусурмоновна – доктор педагогических наук, профессор
Пахрутдинов Шукритдин Ильясович – доктор политических наук, профессор
Самаров Рустамжон Садриддинович – доктор философских наук, профессор
Сафаев Нуриддин Сализович – доктор психологических наук, профессор
Раҳимов Ғаниюр Худойқулович – кандидат филологических наук, доцент
Чориев Рузимурод Кунгратович – кандидат педагогических наук, доцент
Қурбонов Шавкат Эргашевич – доктор педагогических наук, профессор

Главный редактор — **Абдиев Баходир Казимович** – кандидат экономических наук, доцент

Редакционная коллегия:

Заместитель главного редактора — **Қодиров Умарали Дўстқобилович** – кандидат психологических наук, доцент

Редактор по работе с авторами — **Джуманова Дилара Масхутовна**

Ответственный секретарь — **Раҳимқариев Шуҳрат**

Администратор — **Ҳайдаров Миробуб Таджиевич** – кандидат экономических наук, доцент

Оригинал-макет, полиграфический дизайн, компьютерная верстка и подготовка к печати выполнены в ЧП «Cairn Group».

Адрес редакции:
100174, Республика Узбекистан, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Университетская, Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, здание факультета экономики, 2-й этаж, 207-кабинет. Тел: (99895) 199-80-67; e-mail: zamonaviytalim@inbox.uz

Журнал зарегистрирован в Управлении по печати и информации Ташкентской области 28 августа 2012 года. Регистрационное свидетельство № 05-032.

Подписной индекс журнала в каталоге АК «Matbuot tarqatuvchi» - 7945

Формат 60x84 1/8. 9 п.л. Подписано в печать 11.01.2020 г. Печать офсетная. Заказ № 007. Тираж 120 экз. Отпечатано в типографии ЧП «Print Line Group». г. Ташкент, проспект Бунёдкор, 44. Журнал выходит один раз в месяц.

Цена договорная.

Перепечатка материалов журнала «Современное образование» допускается только с письменного разрешения редакции. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей.

Турсунов Қақор Шоназарович,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти «Физика» кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди, доцент;
Исмоилов Даврон Маҳмадалиевич,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти «Физика» кафедраси ассистенти

ТАЪЛИМНИНГ УЗВИЙЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ

УДК: 373.047

ТУРСУНОВ Қ.Ш., ИСМОИЛОВ Д.М. ТАЪЛИМНИНГ УЗВИЙЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ

Мақолада таълимнинг узвийлиги, хусусан физика таълими узвийлигини таъминлашнинг зарур муаммолари устида тўхталиб, келажак авлодни тарбиялаш ва ўқитиш сифатини ошириш, ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилишдаги камчиликларни бартараф қилиш ва таълим-тарбиянинг узвийлик ҳамда узлуксизлигини таъминловчи умумий модель ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар ва тушунчалар: модель, таълимда узвийлик, мавзулараро, билимлараро ва фанлараро боғланиш, ўқитиш технологияси, илмийлик тамойили, таълим-тарбия, илмий дунёқараш.

ТУРСУНОВ К.Ш., ИСМОИЛОВ Д.М. ФАКТОРЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ НЕРАЗРЫВНОСТИ И НЕПРЕРЫВНОСТИ ОБРАЗОВАНИЯ

В статье рассмотрены важные проблемы обеспечения неразрывного образования, в частности, разработана общая модель обеспечивающая неразрывное и непрерывное обучение и воспитание на примере обучения физике, направленная на повышение качества обучения и воспитания будущего поколения.

Ключевые слова и понятия: модель, неразрывное образование, межтемная, межобразовательная и межпредметная взаимосвязь, технология обучения, принцип научности, воспитание и образование, научное мировоззрение.

TURSUNOV K.SH., ISMOILOV D.M. THE FACTORS ENSURE THE CONTINUITY EDUCATION

In the article the problems of education's continuity providing, on the teaching of physics are shown in detail. The is developed the special model for uninterrupted education in particular fields, provided proposals for perfection and increasing quality of new generation education, solving the problems faced in the sphere.

Keywords: model, continuity in education, inter-subject, relationship between subjects and knowledge, technology of teaching, scientific aspect, education, scientific outlook.

ТУРСУНОВ ҚАҲОР ШОНАЗАРОВИЧ	Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти «Физика» кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди, доцент
ТУРСУНОВ КАХОР ШОНАЗАРОВИЧ	Доцент кафедры «Физика» Каршинского инженерно-экономического института, кандидат педагогических наук, доцент
TURSUNOV KAHOR SHONAZAROVICH	Associate professor of department of «Physicist» of Karshi engineer-economic institute, candidate of pedagogical sciences, associate professor
E-mail	*qarshi-qahhor@mail.ru*
ИСМОИЛОВ ДАВРОН МАҲМАДАЛИЕВИЧ	Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти «Физика» кафедраси ассистенти
ИСМОИЛОВ ДАВРОН МАХМАДАЛИЕВИЧ	Ассистент кафедры «Физика» Каршинского инженерно-экономического института
ISMOILOV DAVRON MAHMADALIYEVICH	Assistant of department of «Physicist» of Karshi engineer-economic institute
E-mail	*qarshi-qahhor@mail.ru*
АХМЕДОВА ШАИРА БИЛАЛХАНОВНА	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Педагогика ва умумий психология» кафедраси, мустақил изланувчи
АХМЕДОВА ШАИРА БИЛАЛХАНОВНА	Независимый исследователь кафедры «Педагогика и общая психология» Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
AHMEDOVA SHAIRA BILALHANOVNA	An independent researcher of department is «Pedagogics and general psychology» of the National university of Uzbekistan of the name Mirzo Ulugbek
E-mail	*shaira.ahmedova.66@mail.ru*
РАХИМОВА ШАХЛО БАХТИЯРОВНА	Тошкент давлат педагогика университети «Хорижий тиллар-1» кафедраси доценти
РАХИМОВА ШАХЛО БАХТИЯРОВНА	Доцент кафедры «Иностранные языки-1» Ташкентского государственного педагогического университета
RAHIMOVA SHAHLO BAHTIYAROVNA	Associate professor of department «Foreign languages -1» of the Tashkent state pedagogical university
E-mail	*aljon1983@mail.ru*
ХОЛЙИГИТОВА НАСИБА ХАБИБУЛЛАЕВНА	Тошкент молия институти «Касбий психология, жисмоний тарбия ва спорт» кафедраси катта ўқитувчиси, PhD
ХОЛЙИГИТОВА НАСИБА ХАБИБУЛЛАЕВНА	Старший преподаватель кафедры «Профессиональная психология, физическое воспитание и спорт» Ташкентского финансового института
KHOLYIGITOVA NASIBA KHABIBULLAYEVNA	A senior teacher of department is «Professional psychology, physical education and sport» of the Tashkent financial institute
E-mail	*nasiba.xolyigitova@bk.ru*

Ахмедова Шакра Билалхановна,
Ўзбекистон Миллий университети «Педагогика ва умумий психология» кафедраси мустақил изланувчиси

МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ИНФОРМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АНДРАГОГИК-АКМЕОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

УДК: 378. 147

АХМЕДОВА Ш.Б. МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ИНФОРМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АНДРАГОГИК-АКМЕОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақолада малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантиришнинг андрагогик-акмеологик хусусиятлари аниқлаштирилган, замонавий ёндашувлар сифатида андрагогик ва акмеологик ёндашувларнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсир доираси белгиланган.

Таянч сўз ва тушунчалар: андрагогик ва акмеологик ёндашувлар, тингловчи, таълим олувчи, ўз-ўзини реализациялаш, андрагогика.

АХМЕДОВА Ш.Б. АНДРАГОГИКО-АКМЕОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ УЧИТЕЛЕЙ ИНФОРМАТИКИ ПРИ ПОВЫШЕНИИ КВАЛИФИКАЦИИ

В статье выявлены андрагогико-акмеологические особенности развития творческого мышления учителей информатики при повышении их квалификации, определены взаимосвязь и влияние андрагогических и акмеологических подходов.

Ключевые слова и понятия: андрагогический и акмеологический подходы, слушатели, обучаемый, самореализация, андрагогика.

AHMEDOVA SH.B. ANDRAGOGIC-ACMEOLOGICAL FEATURES OF INFORMATICS TEACHERS CREATIVE THINKING DEVELOPMENT AT QUALIFICATION TRAINING

The andragogical-acmeological features of the computer science teachers' creative thinking development, those interrelations and influence as modern approaches were identified and determined in the article.

Keywords: androgenic and acmeological approaches, listeners, learners, self-realization, androgen

Кириш.

Малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатувчи педагогик-психологик омиллар ва шарт-шароитларни аниқлаш вазифаси белгилаб олинди. Зарурий педагогик-психологик шарт-шароит кўзда тутилган жараённи аниқ дидактик параметрларини ҳисобга олмасдан туриб тўлиқ шаклланмаслигини ўзида ифода этади. Ана шу сабабли малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантиришнинг ҳеч бир компонентини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас, деган хулосага келинди.

Малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантириш мавзусидаги тадқиқотимиз доирасида дастлаб малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантиришга доир замонавий ёндашувлар сифатида андрагик ва акмеологик ёндашувларнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсир доираси аниқлаштирилди.

Тадқиқотнинг мақсади сифатида малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантириш олинган.

Тадқиқотнинг вазифалари эса қуйидагилар билан белгиланган:

– малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантиришнинг андрагогик-акмеологик хусусиятларини аниқлаштириш;

– малака ошириш жараёнида информатик-педагогик ўқув модулларининг ўқитувчиларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш имкониятларини очиб бериш;

– малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш;

– малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантиришнинг электрон-методик таъминотини такомиллаштириш.

Мақоланинг асосий мазмуни.

Маълумки, катталар таълими XXI асрда узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини сифатида педагогика фани ва амалиётининг асосий масалаларидан бирига айланди. Республикамизда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, яъни катталар таълими масаласи «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги «Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3289-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги «Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1026-сон қарори билан мустаҳкамланган.

Катталар таълими муаммоларига доир педагогик-психологик тадқиқотлар ва таълим амалиёти шуни кўрсатадики, мазкур турдаги таълимда таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти субъекти сифатида шаклланишида қатор муаммолар мавжуд.

Маълумки, ўқув жараёнининг бошланишида инсоннинг ижтимоий ролида маълум ўзгаришлар содир бўлади. Яъни «фаолиятнинг маълум бир соҳаси бўйича мутахассис» роли қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида «тингловчи, таълим олувчи» роли билан алмашинади. Мазкур ҳолат кўпинча психологик нуқтаи назардан англанмаган тарзда ўзининг барча стереотиплари, установкалари ва муносабатлари (материални пассив идрок этиш, ҳаракатларнинг стандарт тизимларини бажариш ва ҳ.к.) мактаб ва олий таълим даврида ўзлаштирилган ўқувчи, тингловчи позициясига қайтиш тарзида идрок этилади.

Катта ёшдаги таълим олувчиларнинг ўқув жараёнида тез-тез юзага келадиган қийинчиликлардан яна бири уларнинг жараёнга «прагматик» тарзда ёндашувидир. Ўз касбий фаолиятида яхши тажрибага эга бўлган катта ёшдаги таълим олувчилар амалий аҳамиятга эга бўлмаган илмий билимларни узатишга йўналтирилган анъанавий таълимга кўпинча салбий муносабатда бўлишади.

Катталар таълимидаги асосий қийинчиликлар юқорида таъкидланганидек, психологик тавсифга эга бўлиб, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсини муваффақиятли якунлай олмасликдан қўрқиш, фан соҳаси ва мутахассисликка доир янги талабларни ўзлаштиришга қийналиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилини яхши билмаслик, ахборотлар билан ишлаш стратегияларига доир компетентликка эга эмаслик каби омиллар билан бевосита боғлиқдир.

Андрагогик таълим жараёнида юзага келадиган тўсиқларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

– вазият билан боғлиқ;

– институционал;

– диспозицион.

Вазият билан боғлиқ тўсиқлар вақтнинг етишмаслиги, маблағнинг йўқлиги, ёш боласининг бор-

лиги, қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультети ва марказининг олис масофада жойлашганлиги каби ҳаётий шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлса, институционал тўсиқлар бевосита таълим муассасасининг ўзи билан боғлиқ бўлиб, замонавий талаблар асосида жиҳозланмаганлиги ва мунтазам янгилаб борилмаслиги ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ (дарс жадвалининг қулай тарзда тузилмаслиги, курс ва йўналишнинг мутахассисликка тўғри келмаслиги) жиҳатларда ўз аксини топади. Диспозицион тўсиқлар индивидуал тавсифга эга бўлиб, кўпчилик таълим олувчиларнинг ўзини «ўқувчи» сифатида қабул қилмаслиги, кекса кишиларнинг ўқиш учун уларнинг ёши тўғри келмаслигини асос сифатида келтириши каби айрим сабаблар билан боғлиқдир.

Юқорида баён этилган фикрлар андрагогик таълим мазмунини модернизациялашда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Андрагогик таълим мазмунини аниқлаш ва ўқув жараёнини ташкил этишда қуйидаги тамойилларнинг ўзаро бирлиги ва алоқадорлигини ҳисобга олиш лозим[1]:

а) методологик тамойиллар: табиат билан уйғунлик, маданият билан уйғунлик, индивидуал-шахсий ёндашув ва қадриятга йўналганлик;

б) таълим тамойиллари: катталар таълими бутун ҳаёт давомида шахснинг билим олиш, ўқиб-ўрганишга қобилиятли эканлиги билан шартланади; катталар таълими маданий ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини актуаллаштириш орқали ўз-ўзини реализациялаш жараёнида амалга ошади; катталар таълими ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнида шахснинг онгли ҳаракати хусусияти сифатида субъективликка асосланади; катталар таълими долзарб масалаларни адекват усуллар орқали ўзлаштиришни таъминлашни талаб этади;

в) ўқитиш тамойиллари: ёш даври қонуниятлари ва унинг ўзига хосликларини ҳисобга олиш; замонавий маданият контекстида катта ёшдаги таълим олувчиларнинг билиш, таълимий, маданий, мазнавий эҳтиёжларини қондириш, катта ёшдаги таълим олувчиларнинг касбий-шахсий тажрибасига таяниш, катта ёшдаги таълим олувчиларнинг талабларига мос равишда таълим мазмунини танлаш ва ўқув жараёнини ташкил этиш;

г) ўқиш-ўрганиш тамойиллари: катта ёшдаги таълим олувчиларнинг фикрлаши ва ҳис-туйғуларини ривожлантириш учун мавжуд потенциал имкониятларига таяниш тамойили; маданий социум контекстида катта ёшдаги таълим олувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш тамойили; катта ёшдаги таълим олувчиларнинг касбий-шахсий тажриба алмашиш жараёнида ўзаро биргаликдаги ҳаракатга тайёрлик тамойили; катта ёшдаги таълим олувчилар томонидан билимни ўзининг шахсий муаммоларини ҳал этишда ижодий фойдаланиш учун зарур очиқ тизим сифатида танқидий идрок этиш тамойили.

Ў.Аскарова ва бошқаларнинг «Андрагогика» ўқув қўлланмасида ҳозирги вақтда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида дарс берадиган профессор-ўқитувчиларни тренер сифатида тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган[2]. Бироқ бу тренерлик курслари кўпгина ҳолатда ўқитувчиларнинг инновациялар ва хорижий тажрибаларни ўзлаштиришини кўзда тутади. Катта ёшдаги мутахассисларни ўқитиш учун профессор-ўқитувчи андрагогик тайёргарликка эга бўлиши лозим. Андрагогик тайёргарликка эга профессор-ўқитувчини ҳақиқий маънода андрагог-педагог деб аташ мумкин.

Андрагогик тайёргарлик – бу мақсади алоҳида мутахассислар гуруҳи эҳтиёжларини қондириш учун зарурий шарт-шароитлар яратишда акс этадиган, натижаси андрагогик фаолиятга тайёрлик билан белгиланадиган ҳамда андрагогик тамойиллар ва технологияларга асосланган ҳолда мақсадга йўналтирилган, босқичма-босқич амалга ошириладиган, моделлаштириладиган, тизимли ўқитиш жараёни.

Андрагогик тайёргарлик қатор таркибий қисмлардан иборат ташкилий, мазмунли ва процессуал компонентлардан ташкил топади. Ташкилий компонент ўз ичига тайёргарлик даражалари, талаб ва шарт-шароитларни, ташкилий шаклларни, материални ўзлаштириш усуллари, ўқув курсининг давомийлиги каби жиҳатларни қамраб олади. Мазмунли компонент мақсад қўйиш, курс ва дастурлар мазмуни, ўқитиш метод ва усуллари ва натижани ўзида акс эттиради. Процессуал компонент режалаштириш, тайёргарликни таркиблаштириш, андрагогик тайёргарлик субъектларининг ўзаро ҳаракатини ташкил этиш кабилардан иборат.

Сўнгги йилларда андрагогик таълимда илғор хорижий тажрибаларга асосланган методлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

[1] Зеер С.И. Андрагогика: становление и пути развития. // Педагогика, 1995, №2.

[2] Аскарова Ў. ва бошқалар. Андрагогика. – Наманган: «Наманган», 2015. –67-б.

Кўплаб ўқитиш методларини таълим амалиётига олиб киришга ҳаракат қилинмоқда. Бироқ айнан андрагогик таълимнинг «марказий методи» қандай бўлиши керак, деган савол очиқ қолиб кетмоқда. Катталар таълимининг энг асосий ўқитиш методи «тажрибани таҳлил этиш методи» бўлмоғи лозим. Миллий педагогикамизда «катталар тажрибаси» атамасини қўллаш орқали тингловчиларда қадриятлар тизимини шакллантиришнинг витаген технологиясини ишлаб чиққанлигини ҳам эътироф этиш мумкин.

«Тажрибани таҳлил этиш методи» катталар таълими мазмуни ва ўқитиш тамойилларига мос келади ҳамда ўқув жараёнини ташкил этишнинг қатор хусусий метод ва методикаларини аниқлаштиришга хизмат қилади. Бошқача айтганда, бугун биз кўп гапираётган коммуникатив ва интерфаол методлар тажрибани таҳлил этишга асосланган ҳолда қўлланилса, ўзининг яхши самарасини беради. Ўз навбатида мураккаб вазиятларни ҳал этишга йўналтирилган ташкилий-фаолиятли методлар, интерфаол методлар ва диалогли методлар катталар таълимининг махсус методлари сифатида хизмат қилиши мумкин.

Тажрибани таҳлил этиш методи – бу педагог-андрагог ёки педагог-фасилитатор томонидан ўқув жараёнини ташкил этишнинг махсус усуллари тизими ёрдамида ҳамда таълим олувчиларнинг шахсий тажрибасини самарали сафарбар этиш орқали тингловчиларнинг таълимда эришилган сўнгги ютуқлар, янги билимларни эгаллаши учун зарурий шарт-шароит яратишни таъминлайдиган ўқитиш ва ўқиш тизимидир.

Таълимнинг аввалги босқичларида кенг қўлланилаётган барча интерфаол технологияларни катталарни ўқитиш жараёнига татбиқ этиш яхши самара бермаётганлигига кўп гувоҳ бўлиш мумкин. Айнан андрагогик таълимда қўлланилиши лозим бўлган педагогик технологиялар тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Андрагогик таълим нуқтаи назаридан катталар таълимида педагогик технологияларни «стратегия – тактика – амалиёт» триадасига асосланган ҳолда қўллаш, бизнингча яхши самара беради. Яъни, андрагогик таълим парадигмасининг методологик тамойиллари (табиат билан уйғунлик, маданият билан уйғунлик, индивидуал-шахсий ёндашув, қадриятга йўналтирилган)га асосланган стратегик таълим технологияларини, тактик аҳамиятга эга коммуникатив, интерактив ва лойиҳавий педагогик технологияларни, амалий жиҳатни кўзда тутувчи ишбилармонлик ўйинлари, дебат, мунозара, ситуатив, жамоа бўлиб ишлаш, муаммоли-изланишли, ўқув лойиҳасига асосланган ўқитиш технологияларини катталар таълими амалиётига татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларида ижодий тафаккурни ривожлантиришга доир ёндашувлар орасида акмеологик ёндашув ўқитувчи шахсининг юқори даражада ўз-ўзини англай олиш, ўз-ўзини намоён эта олиши ҳамда ўз-ўзини шакллантиришига имкон бериши билан алоҳида ажралиб туради.

Информатика ўқитувчилари табиатини ўзгартирадиган, улар шахсининг таркиб топишига таъсир қиладиган кучли ижтимоий омиллардан бири – бу акмеологик мотивациядир. Аниқланишича, инсон шахсининг таркиб топишига таъсир қилувчи кучли омил – инсон орттирган тажрибаларнинг тарбия воситаси орқали таълим олувчиларга берилиши ҳодисасидир.

Маълумки, инсон шахси жуда мураккаб психологик феномен бўлиб, у кишининг индивидуал ҳаёти давомида маълум конкрет омилларнинг таъсири остида аста-секин таркиб топади. Шу боис ҳам, акмеология – улғайган шахснинг ривожланиши ва комилликка эришиш жараёнини ўрганувчи махсус фан ҳисобланади. Акмеология (грекча «акме – чўққи, юқори поғона, гуркиратувчи куч» маъноларини билдиради) илм-фаннинг шундай янги тармоғики, у инсонни ўз тараққиёти динамикасида такомили ҳамда ҳаёт фаолиятининг турли босқичларида ўзидаги энг кучли қобилиятларини намоён қилишининг комплекс масалаларини ўрганади. Яъни, у шахсни ўз такомили жараёнида, ана шу тараққиёт ва юксалишнинг объектив ҳамда субъектив омиллари доирасида тадқиқ этади.

Акмеологик ёндашув малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларида ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг илмий асоси сифатида мазкур жараён иштирокчилари, касбий фаолиятнинг етук шахслари ва фаол субъектлари тарзида намоён бўлишларига асосланади ҳамда уларнинг субъект ва мутахассис сифатида босқичма-босқич, узлуксиз ўз-ўзини такомиллаштириши ва ўз-ўзини шакллантириши учун шароит яратади. Касбий ижодкорликнинг ривожланиши хилма-хил қобилиятларнинг акс этиши билан боғлиқдир. Акмеологик қобилиятлар – ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини шакллантириш, ўз-ўзини намоён этиш кабилар касбий фаолият жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Бироқ уларнинг айнан жадал тараққий этиши аутопсихологик компетентликнинг ривожланиши натижасида содир бўлади.

Тадқиқотимизда мазкур ёндашувларга асосланган ҳолда малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларида ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг қуйидаги мезонларини белгиладик:

– шахсий тажрибани ўзлаштиришга интилиш, касбий фаолиятни ташкил этиш, мустақил таълим ва ҳамкорликда намоён бўладиган мотивацион-қадриятга йўналтирилган мезонлар;

– касбий билимларни ривожлантириш усулларини эгаллаш (интериоризация), касбий қобилиятларни намоён этиш (экстериоризация) ва фаолиятни такомиллаштириш (коррекция-экстериоризация)ни ўзида акс эттирувчи ташкилий-фаолиятга доир мезонлар;

– касбий фаолиятда юзага келадиган муаммоларни кўра билиш, унинг сабабларини изоҳлаш, шахсий ва касбий фаолиятда эришган натижаларини баҳолай олиш кўникмаларида намоён бўладиган рефлексив-баҳолашга доир мезонлар.

Малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларида ижодий тафаккурни ривожлантириш аниқ омилларни ҳисобга олишни талаб этади. Тадқиқотда малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларида ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг ижтимоий, акмеологик, психологик ва педагогик омилларининг аҳамияти тадқиқ этилди.

Шундай қилиб, информатика ўқитувчиларини ижодий фаолиятга фаол жалб этиш уларнинг ижодий салоҳиятини ошириш, касбий билимларини кенгайтириш, реал касбий вазиятларда ташаббускорлик кўрсатиш, рефлексия ва ўз фаолияти натижаларига масъулият билан ёндашишга қаратилган касбий реалликка олиб кириш имконини беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, олиб борилган тадқиқот ишлари натижаларидан келиб чиқиб малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини янада такомиллаштиришда таълим муассасалари билан малака ошириш институтлари ҳамкорлигида махсус ўқув дастурини яратиш, уни инновацион технологиялар орқали амалиётга татбиқ этиш; узлуксиз таълим тизимида ўқитиладиган фанлар мазмуни ва давлат таълим стандартларини такомиллаштириб бориш; педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида информатика ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантириш ишларини олиб бориш; ушбу муаммо юзасидан республика ва халқаро миқёсдаги анъанавий илмий-амалий семинар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Информатика ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантиришга қаратилган тажрибасинов жараёнлари натижалари асосида қуйидагиларни тавсия қилиш мақсадга мувофиқ:

1. Информатика ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантириш, амалда қўллаш ва ўз касбий тайёргарликларини оширишда фойдаланиш бўйича билим, кўникма, малакаларини ривожлантириб бориш керак.

2. Халқ таълими тизимида информатика ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантиришга асосланган малака ошириш тизимини ҳозирги мавжуд шароитларини ҳисобга олган ҳолда, бу механизмнинг тузилиши, амалда қўллаш шакли, услуби, мазмунининг замонавий талаблар даражасида бўлишини таъминлаб бориш зарур.

3. Мактаб маъмурияти ва методика бирлашмаси томонидан ўқитувчиларнинг касбий педагогик диагностикаси натижаларига мувофиқ равишда уларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиришни амалиётда такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ.

4. Мактабдаги ўқитувчиларнинг метод бирлашмаси ўқитувчиларнинг ўзлари ўқитадиган фанлари бўйича ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан таълим жараёнида ижодий тафаккурини ривожлантириш ва бошқа йўналишларда ҳам малака ошириш жараёнида ўқитувчиларга замонавий талаблар асосида ижодий тафаккурини ривожлантириш зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги «Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1026-сон қарори.

2. Змеев С.И. Андрагогика: Становление и пути развития. // Педагогика, 1995, №2. -С. 43-47.

3. Аскарова Ў. ва бошқалар. Андрагогика. – Наманган: «Наманган», 2015.